

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04.30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БОБОҚУЛОВА САРВАРА БАХТИЁР ҚИЗИ

АЁЛЛАРДА ГИПЕРАНДРОГЕНИЯ ТУФАЙЛИ КЕЛИБ ЧИҚҚАН
РЕПРОДУКТИВ БУЗИЛИШЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА
ДАВОЛАШДА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВ

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of dissertation for the Doctor of Philosophy (PhD)

Бобокулова Сарвара Бахтиёр кизи

Аёлларда гиперандрогения туфайли келиб чиққан репродуктив бузилишларнинг олдини олиш ва даволашда дифференциал ёндашув 5

Бобокулова Сарвара Бахтиёр кизи

Дифференцированный подход к профилактике и лечению нарушений репродуктивной функции у женщин, обусловленной гиперандрогенией 27

Bobokulova Sarvara Bakhtiyor kizi

Differentiated approach to the prevention and treatment of reproductive disorders in women caused by hyperandrogenism 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04.30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БОБОҚУЛОВА САРВАРА БАХТИЁР ҚИЗИ

АЁЛЛАРДА ГИПЕРАНДРОГЕНИЯ ТУФАЙЛИ КЕЛИБ ЧИҚҚАН
РЕПРОДУКТИВ БУЗИЛИШЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА
ДАВОЛАШДА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВ

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Tib.2043 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ашурова Нигора Гафуровна
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Абдуллаева Лағия Мирзатуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Исанбаева Ландыш Мухамедзакиевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Н.И. Пирогов номидаги Россия Миллий илмий-текшириш тиббиёт Университети

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/.30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Навоий шохкўчаси, 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Навоий шох кўчаси 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.Т. Ходжиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ш.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Г.А. Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати. Дунё олимлари томонидан репродуктив тизим фаолиятининг бузилиши кўп ҳолларда гиперандрогения билан боғлиқлиги исботланган. Нейроэндокрин тизим бутун организмнинг меъёр доирасида фаолият кўрсатишини бошқариши ҳамда ички муҳит барқарорлигини таъминлашда муҳимлиги билан бирга аёл репродуктив потенциални намоён қилишда беқиёс аҳамият касб этади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, "... бепуштлиқ ҳеч кимни четлаб ўтмаган ва аҳолининг барча қатламларини жалб қилган. Бепуштлиқдан азият чекадиган инсонларнинг кўплиги уни даволаш имкониятларини кенгайтириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда унинг илмий изланишлар ва соғлиқни сақлаш тизимида бундан буён иккинчи режага туширмаслик заруриятини тақозо қилади..."¹.

Жаҳон миқёсида 60-70 % ҳолларда гиперандрогения метаболик синдром билан бирга учраб, касаллик кечишини мураккаблаштиради ва фертиллиқни тиклашда алоҳида ёндашувни талаб этади. Ушбу эндокринопатиялар билан репродуктив ёш аёлларининг 10-15% и азият чекади. Репродуктив функция тикланишининг қийинлиги ушбу патология патогенезининг мураккаблиги ва кўп омилли эканлиги билан изоҳланади. Гиперандрогения замиридаги ҳомиладорликларнинг 20-70% и аксарият ҳолларда гестациянинг биринчи триместрида ўз-ўзидан бола ташлаш билан яқунланади. Гиперандрогения тухумдон ва буйрак усти беги патологиялари оқибатида келиб чиқиб, репродуктив ёш аёлларида ҳайз цикли ва репродуктив функция бузилишларининг энг кўп сабабларидан биридир. Узок давом этган гиперандрогения метаболик бузилишларни янада оғирлаштиради, шунингдек, кичик чанок аъзолари онкологик касалликлари ва 2-тип қандли диабет ҳавфини 7 бараварга, миокард инфарктини 8,5 бараварга, артериал гипертензия ҳавфини 4-5 мартага кўпайтириб, ушбу беморлар ҳаёт сифати ва давомийлигига ўз салбий таъсирини кўрсатади².

Бугунги кунда мамлакатимизда аёл организми нейроэндокрин функцияси бузилишлари асосида кўпинча генетик омиллар ётишини ҳисобга олиб, айни популяцияга мос у ёки бу этник хусусиятларни аниқлашга уриниш ҳоллари кўпроқ учрамоқда. Гиперандрогениянинг ривожланишида генетик омиллардан бири СҮР21А2 гени бўлиб, у аёл организмида буйрак усти беги гормонал функциясининг амалга ошиши учун масъул 21 гидроксилаза ферментининг экспрессиясига жавобгардир. Кўпгина илмий тадқиқотларда исботланишича, 21 гидроксилаза танқислиги ўз навбатида гиперандрогенияга ва у билан боғлиқ клиник кўринишларининг намоён бўлишига олиб келади. Юқорида саналган ўзгаришлар ва андроген гормонлари секрециясининг ошиши генетик полиморфизм характериға, шунингдек аёл организмнинг индивидуал сезувчанлигига боғлиқдир. Шу муносабат билан, гиперандрогениянинг дифференциал диагностикаси ва патогенетик асосланган

¹ World Health Organization. 1 in 6 people globally affected by infertility: WHO.2023.

² Амираслонова М.М., Кузнецова И.В. Дефицит 21-гидроксилазы и ферильность. *Медицинский алфавит*. №4. (2020):16-23 doi:10.33667/2078-5631-2020-4-16-26

давоси аёлда репродуктив потенциалнинг бузилиши билан боғлиқ ножўя асоратларни олдини олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда мамлакатимиз ҳукумати томонидан аёллар, айниқса фаол репродуктив ёшдаги аёллар репродуктив саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ- 4513- сонли «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламни янада кенгайтириш тўғрисида»³ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2019-2025 йилларга мўлжалланган Концепциясида репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини сақлаш борасида бир қанча вазифалар кўзда тутилган. Шу билан бирга бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сонли «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсида ҳозирга қадар олиб борилган илмий-тадқиқотлардан олинган натижалар гиперандрогениянинг (ГА) ривожланишида организм инсулин резистентлиги, D витамини танқислиги, шунингдек, бу ҳолатлар замирида тухумдон функциясининг хусусиятлари илмий адабиётларда етарлича ёритилган (Irani M., et.al., 2014; Azziz R.,2017; Sharma A., 2021). Чет эл олимлари Rebecca L., Simon Spedding, (2019) илмий тадқиқотлари асосида D витамини рецепторлари тухумдонларда, эндометрий ва плацентада топилган ҳамда D витаминининг репродуктив функцияда муҳим рол ўйнаши исботланган. D витамини дефицити калций регуляциясини бузиб, фолликулалар ривожланишининг тўхташига олиб келади, бу эса аёлда ҳайз ва репродуктив функциянинг издан чиқишига сабаб бўлади.

ГА нинг эрта диагностикасида генетик омилларнинг ҳам диагностик, ҳам прогностик ролини ўрганиш, айниқса ноклассик турдаги буйрак усти бези пўстлоғи туғма гиперплезиясини (НБТГ) аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. НБТГ да фертилликнинг камайиши ва ҳомила кўтаролмаслик каби асоратлар учраганлиги ҳамда ушбу касалликнинг даволаш самарадорлигининг пастлиги

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги ПФ-4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламни янада кенгайтириш тўғрисида»ги Қарори // www.lex.uz.

ҳозиргача долзарб муммолигича қолмоқда (Доброхотова Ю.Э., 2017; Хабаров С.В., ва б.к., 2020).

Репродуктив ёшдаги аёлларнинг бештадан биттасида учрайдиган тухумдонлар поликистози синдроми (ТПКС) нинг аксарият ҳолларда ГА билан боғлиқлиги исботланган. ГА туфайли келиб чиққан ТПКС патогенезида Простата Специфик Антиген иммунологик омилининг янги маркёр сифатидаги роли, С – реактив оксилнинг прогностик аҳамияти, ўсмирлик даврида овариал генезли ГА нинг ўзига хос клиник хусусиятлари ўрганилган (Ҳайдарова Ф.А., 2017; Иргашева С.Ў., 2018; Матризаева Г.Д., 2018).

Гиперандрогения синдромининг ривожланиш манбасини аниқлаш юқорида келтирилган генетик омиллар ва D витамини танқислигининг аҳамияти ва унинг тухумдонлар гормонал функцияси билан ўзаро корреляциясини ўрганишни давом эттиришни тақозо қилади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида бу синдром кам ўрганилган бўлиб, ўзбек популяцияси аёлларида ГА ривожланишига олиб келадиган асосий сабаблар аниқ кўрсатилмаган. ГА нинг турли шакллари учун ташхис қўйишнинг аниқ мезонлари, ягона текшириш алгоритми ва дифференциал терапия усуллари ишлаб чиқилмаган. Шу муносабат билан ГА диагностикасида бир қанча камчиликлар ва даволаш тактикасида хатоликлар юзага келади. ГА ривожланишида генетик омилларнинг ва D витаминининг роли ҳамда уларнинг гормонлар билан ўзаро боғлиқлиги кам ўрганилган бўлиб, яна қўшимча изланишларни тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Ушбу диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида (06.2022 PhD 147) “COVID - 19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳоли саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш (2022–2026 йй.)” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Гиперандрогения туфайли келиб чиққан аёллар репродуктив функциясининг бузилишларида масъул стероид гормонлар, D витамини етишмовчилиги ва генетик омилларнинг аҳамиятини ўрганиш орқали диагностика ва даволашга дифференциал ёндашувни танлаш ҳамда олдини олиш чораларини такомиллаштириш.

Тадқиқот вазифалари:

гиперандрогения синдроми бўлган аёлларда репродуктив функциянинг бузилиш ҳолатларининг учраши, клиник хусусиятларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

гиперандрогения синдроми башоратлашда клиник ва гормонал кўрсаткичларнинг диагностик самарадорлигини баҳолаш;

ўзбек популяциясига хос гиперандрогенизм ривожланишини индуцирловчи генетик маркёрларни аниқлаш ёрдамида адренал ҳамда тухумдонга алоқадор гиперандрогенияни дифференциациялаш методикаларини такомиллаштириш;

гиперандрогения синдромини дифференциал ташхислаш, адекват даволаш ва профилактика чора-тадбирлари алгоритминини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти Ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ проспектив текширувларни ўтказиш учун репродуктив ёшдаги 158 нафар аёллар ўрганилган. Проспектив текширув учун гиперандрогенияси бўлган 126 нафар аёллар танлаб олинган. Текширувлар натижаларига асосланган ҳолатда текширувдаги аёллар майда гуруҳларга бўлинган. Назорат гуруҳи соғлом яъни репродуктив дисфункциялар бўлмаган 32 нафар аёллар олинган. Тадқиқот Вилоят аҳоли репродуктив саломатлик марказида олиб борилган.

Тадқиқотнинг предмети Қон зардобдаги гормонлар миқдори ўзгаришларини, D витамини концентрацияси ҳолатини ўрганиш ва генетик таҳлил учун аёллардан олинган қон намуналари, ультратовуш текшируви (фолликулометрия) натижаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник-лаборатор, функционал-диагностик текширувлар (УТТ текшириш), гормонал, молекуляр-генетик, статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

репродуктив ёшдаги аёлларда гиперандрогения синдроми ривожланишида гормонал фон (ФСГ, ЛГ, Пролактин, ТТГ, Т4 эркин фракцияси, умумий тестостерон, тестостерон эркин фракцияси, ДГЭАС, 17-ОН прогестерон) ва 25 (ОН) D витамини дефицитининг патогенетик таъсир ахамияти ўрганилди. Шу орқали D витамини танқислиги гиперандрогения ривожланиш хавфини 2,1 мартага ошириши ҳамда гиперандрогенизм келиб чиқишида прогностик самарадорлиги жуда яхши даражада ($AUC=0,83$) эканлиги ҳисобланган;

ТМИ кўрсаткичлари билан масъул стероид гормонлар ва D витамини миқдорлари ўзаро корреляция қилинди ва семизлик ва гиперандрогения ривожланиши орасида мусбат боғлиқлик аниқланди, ТМИ боғлиқ равишда гиперандрогенизмга хос маркерлар ЛГ/ФСГ нисбатини бузилишига боғлиқ бўлмаган тарзда, мустақил ривожланиши мумкинлиги тасдиқланган;

гиперандрогенизмни ривожланиш генезини аниқлаш ва патогенетик асосланган терапияни тасдиқлаш мақсадида CYP21A2 генининг секвенирлаш молекуляр - генетик таҳлили ўтказилди ва аниқланган полиморфизм типидagi мутацияларнинг клиник белгилар ҳамда биокимёвий маркерлар билан ўзаро ассоциацияси ўрганилган. Бунда ўзбек популяциясида 655 A/C>G ва rs9378252 полиморфизмлари мустақил ҳолда 21-гидроксилаза дефицитини ривожлантириш орқали ноклассик туғма адренал гиперплазияга олиб келиши ва гиперандрогенизм ривожлантириши исботланган;

гиперандрогения синдромида репродуктив функция бузилишларига қараб, ривожланиш генезини ҳисобга олган ҳолда, патогенетик асосланган комплекс даволаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гиперандрогения синдромини башорат қилишда, диагностикасида клиник ва лаборатор текширув стандарти ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилган;

D витамини танқислигининг гиперандрогения ривожланишидаги роли ўрганилди ва ушбу синдром диагностикасида қон зардобиди 25(OH) D микдорини аниқлаш текширув босқичларига киритиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

гиперандрогения ривожланиш генезини дифференциал диагностикалашда 17-OH прогестерон ва ДГЭАС маркерлари юқори бўлган аёлларда СYP21A2 молекуляр-генетик таҳлилига юбориш амалиётга тадбиқ этилган;

гиперандрогенизм бўлган аёлларда буйрак усти беши туғма дисфункциясига гумон қилинганда глюкокортикоидларни тавсия этиш, молекуляр-генетик таҳлил натижаларидан сўнг жорий қилиниши амалиётга тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва замонавий усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, танланган материалнинг етарли миқдордалиги, умумклиник, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги ва натижаларнинг ишончилиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гиперандрогениянинг патогенетик манбасини маъсул гормонлар ва молекуляр генетик омиллар текширувини қўллаш орқали дифференциал ташхислаш даво самарадорлигини ошириши ва репродуктив йўқотишларни эрта ташхислаш ва прогнозлаш, шунингдек комплекс даво чораларини ишлаб чиқишда ва аёллар организмни ўрганишга доир акушерлик ва гинекология соҳасидаги илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшади. Олинган натижалар назарий ва амалий тиббиётда янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар, ишлаб чиқилган илмий хулосалар репродуктив ёшда гиперандрогения билан азият чекадиган аёлларда ушбу ҳолат ва унинг асоратларини комплекс даволаш чораларини амалга оширишда, шунингдек, репродуктив функция бузилишларининг хавфли омилларини эрта ташхислаш, биокимёвий ва генетик маркерлар аниқланган аёлларда предгравидар тайёргарлик ўтказиш, гиперандрогенияга боғлиқ ўзгаришларни бартараф этишни такомиллаштирилган алгоритм бўйича олиб бориш, ўз вақтида комплекс даво чораларини ўтказиш, даволаш самарадорлигини оширган ва ҳаёт сифатини яхшилаш билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Репродуктив ёшда гиперандрогенияни аниқлаш ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Гиперандрогения синдромининг ривожланишида гормонал ва генетик омиллар, шунингдек D витамини танқислиги ролини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Гиперандрогения синдромида клиник-лаборатор кўрсаткичларнинг

диагностик мезонларини оптималлаштириш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 30 августдаги 8н-д/914-сон маълумотномаси); Ушбу тавсияномада гиперандрогения ва унинг репродуктив бузилишлар билан асоратланишни эрта ташхислаш, клиник кечишини аниқлаш, лаборатор ташхислашнинг оптимал вариантларини яратишга хизмат қилган;

Тадқиқот давомида ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш борасида олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро шаҳридаги 1-сонли оилавий поликлиникаси ва Вилоят перинатал маркази, амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 7 октябрьдаги 8н-з/536-сон хулосаси). Амалиётга татбиқ этилган натижалар гиперандрогения ва унинг асоратларини даволаш ва ташхислаш сифатини яхшилаш, касалликнинг асоратлари частотаси ҳамда аёллар ўлимини қисқартиш, даволаш харажатларини камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар ва амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 148 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аёллардаги гиперандрогения муаммосига замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, аёлларда репродуктив тизим билан боғлиқ муммолар гинекологик касалликлар структурасида сезиларли улушни ташкил этиши, Гипоталамус-гипофиз-тухумдон-буйрак усти беги системасининг жиддий бузилишларидан бири гиперандрогения бўлиб, бу ҳолат деярли ҳар доим бепуштлик, ҳайз цикли бузилишлари, гирсутизм, ҳомила кўтаролмаслик ва

метаболик жараёнларнинг бузилиши билан намоён бўлиши ҳақида сўз боради. Аёлларда гиперандрогенизм ҳолатида юзага келадиган клиник белгилар ва уларнинг ривожланиш механизми, замонавий диагностика усуллари, даволашнинг замонавий жиҳатлари, олдини олишга қаратилган чоратadbирларни талқин қилишга бағишланган сўнгги йиллар илмий натижалари маҳаллий ва хорижий муаллифлар тадқиқот натижалари мисолида батафсил шарҳланган. Бу муаммоларни эрта аниқлаш, асоратларни башоратлаш, ўз вақтида ва мукамал даволаш ҳамда олдини олиш тадбирларини қўллаш орқали фертил ёшдаги аёлларнинг жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш, оилада бепуштлик муаммосини камайтириш, ҳаёт сифати кўрсаткичини оширишга эришилади.

Диссертациянинг «**Гиперандрогения синдроми кузатилган беморларда тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширув материаллари умумий тавсифи келтирилган, текширув усуллари тўлиқ ёритилган.

Илмий тадқиқот ўтказиш учун Бухоро вилоятида 2020-2022 йилларда гинекологик анамнезида гиперандрогения синдроми бўлган ва бепуштлик, ҳайз циклининг бузилиши, одатий бола ташлаш асоратлари, ҳамда дерматопатия белгилари билан мурожаат қилган 126 нафар аёл жалб қилиниб, чуқур ўрганиш ўтказилди. Аёлларни кузатиш дастлабки босқичларидан бошлаб, 12 ой давомида амалга оширилди. Илмий тадқиқотда, асосий гуруҳ сифатида 126 нафар аёл беморлар ва 32 нафар репродуктив функция бузилишлари бўлмаган репродуктив ёшдаги аёллар киритилди. Беморларни маслаҳатлаш Вилоят эндокринология диспансери эндокринолог шифокори билан ҳамкорликда олиб борилган. Қўйилган мақсад ва вазифаларга мос ҳолда қуйидаги тадқиқот дастури ишлаб чиқилди: Анкета-сўров усули; Ферриман-Галлвей шкаласи ёрдамида гирсутизм даражалари баҳоланди; Хемилюминесцент иммуно-анализаторидан фойдаланиб қон зардобидида ФСГ, ЛГ, Пролактин, ТТГ, Т4 эркин фракцияси, умумий тестостерон, эркин тестостерон фракция, ДГЭАС-С, 17-ОН прогестерон ва 25-ОН D миқдорлари ўрганилди; Фолликулометрия (УТТ-мониторинги); Молекулар - генетик текшируви – СҮР21А2 генида секвенирлаш текшируви амалга оширилди.

Беморларни тадқиқотга киритиш мезонлари: фақат репродуктив ёшдаги аёллар; бепуштликка хос белгилар кузатилган аёллар; ҳайз бузилиши мавжуд аёллар; акне, қора акантоз, себорея, алопеция каби дерматологик бузилишлардан камида биттаси мавжуд бўлган аёллар; семизлик ва ортикча вазн мавжуд бўлган аёллар; анамнезида кечиккан менархе бўлган аёллар; гирсутизм белгилари мавжуд аёллар; анамнезида бир ёки одатий бола ташлаш билан шикоят қилган аёллар танлаб олинди. Барча маълумотлар махсус тузилган сўровномага киритилди, сўнгра олинган маълумотлар математик тарзда қайта ишланди. Улар қуйидаги ёш тоифаларига ажратилди: Асосий гуруҳларда 20 ёшгача бўлган беморлар сони 9 (7,1%) тани, 21-26 ёшдаги беморлар сони эса 52 (41,3%) тани, 27–34 ёшдаги беморлар сони 41 (32,5%) тани ва 35 ва ундан юқори ёшдаги беморлар сони эса 24 (19%) тани ташкил этди. Назорат гуруҳида, 20 ёшгача бўлган текширилувчилар сони 3 (9,4%) тани, 21-26 ёшдаги беморлар сони эса 12 (37,5%) тани, 27–34 ёшдаги беморлар

сони 12 (37,5%) тани ва 35 ва ундан юқори ёшдаги беморлар сони эса 5 (15,6%) тани ташкил этди.

Тадқиқот давомида, беморларда олиб борилган анамнестик ва объектив текширувга кўра, асосий ва назорат гуруҳида ёндош касалликлар фоизи аниқланган ва бунга кўра, асосий гуруҳда камқонлик ва юрак қон-томир касалликлари энг кўп улушни эгаллаган (мос равишда 44,4% ва 25%). Тана масса индекси (ТМИ) натижаларига кўра, асосий гуруҳда ортиқча тана вазни ва семизликнинг турли даражалари бўлган аёллар 67,4% ни ташкил этган.

1-жадвал

Асосий гуруҳ беморларда репродуктив салоҳиятга оид натижалар

	Бепуштлиқ		Хомиладорлик сони				Бола ташлаш		Аборт %
	Бирламчи %	Иккиламчи %	1 %	2 %	3 %	4≤ %	Эрта муддатда %	Кечки муддатда %	
Асосий гуруҳ	25,4*	37,3*	16,7	23	24	4,7	10,3	15*	16,7
Назорат гуруҳи	0,0	0,0	31,2	34	22	0	3,1	0,0	6,25

Изоҳ: * - назорат гуруҳига нисбатан – $p < 0,05$.


1- жадвалда келтирилганидек асосий гуруҳдаги беморларда репродуктив салоҳиятга оид тўпланган анамнез натижасига кўра, 25,4% (n=32) беморларда бирламчи бепуштлиқ, 37,3% (n=47) беморларда эса иккиламчи бепуштлиқ аниқланган (назорат гуруҳида бу белгилар аниқланмади).

Диссертациянинг «Гиперандрогенизм мавжуд аёлларда клиник ва биокимёвий ўзгаришлар ва уларнинг ўзаро ассоциацияси» деб номланган учинчи бобида гиперандрогенемия аниқланган аёлларда клиник белгиларни хусусияти ва кечиши кузатилган. Биз олиб борган тадқиқот давомида аниқланган клиник белгилардан, хусусан ҳайз цикли ўзгаришлари қуйидаги частотада аниқланди. Олиб борилган тадқиқот натижасига кўра, гиперандрогенемизм мавжуд беморларда ҳайз циклига оид ўзгаришлар носпецифик кўринишда бўлиб (зеро, деярли ҳар учтадан битта беморда бундай ўзгариш кузатилмади), энг кенг тарқалган белгилар жумласига, опсоменорея ($p < 0,05$), олигоменорея ($p < 0,05$) ва иккиламчи аменорея ($p < 0,05$) киритилди.

Шунингдек, гиперандрогения мавжуд беморларда (n=126) терига оид ўзгаришлардан, акне – 17,5% (n=22), акантозис нигра – 21,4% (n=27), себорея – 16,7% (n=21), алопеция – 1,6% (n=2) аниқланган бўлса, қолган беморларда 10,4% (n=13) бундай ўзгаришлар топилмади (1-расм).

Шу билан бирга, асосий гуруҳдаги беморларда гирсутизм Ферриман-Галлвей шкаласи бўйича баҳоланди. Бунда асосий гуруҳ текширилувчиларининг 75,4% да гирсутизмнинг турли даражалари аниқланди. Шунга кўра, гирсутизм гиперандрогения ҳақида хулоса чиқаришга ишонарли клиник белгилардан бири эканлигини, бизнинг тадқиқот натижалари ҳам тасдиқлади.

Тадқиқот давомида, асосий гуруҳдаги барча беморларда (n=126) ва солиштирув мақсадида танлаб олинган шартли соғлом аёлларда (n=32) гиперандрогения келиб чиқиш патогенезини тушуниш мақсадида гормонал статуси аниқланди.



1-расм. Гиперандрогения мавжуд аёлларда териға оид ўзгаришлар натижаси.

2-жадвалда келтирилганидек, асосий гуруҳ беморларида ФСГ миқдори назорат гуруҳига нисбатан 5,5% га ($p > 0,05$) камайганлиги аниқланган бўлса, ЛГ концентрацияси беморларда назорат гуруҳидан деярли 1,6 марта юқорилиги ($p < 0,001$) маълум бўлди. Шунга кўра, ЛГ ва ФСГ нисбати ҳисобланганида, бу кўрсаткич асосий гуруҳда 2,45 ни ташкил этди, назорат гуруҳида эса 1,3 ни ташкил этди ва бу натижалар ўртасидаги фарқ статистик ишончли ($p < 0,01$) эканлиги тасдиқланди.

2-жадвал

Гиперандрогения мавжуд ва шартли соғлом аёлларда баъзи биокимёвий кўрсаткичлар фарқи

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ	Назорат гуруҳи	Референт кўрсаткич
Фолликула стимуловчи гормон (ФСГ) (мЕд/мл)	6,9±0,35	7,3±0,65	3,2-15
Лютеинловчи гормон (ЛГ) (мЕд/мл)	12,15±0,67** *	7,675±0,68	1,2-12,5
ЛГ/ФСГ	2,24±0,14**	1,34±0,12	<2
Умумий тестостерон, (нмоль/л)	3,8±0,28***	1,1±0,078	0,29-1,67
Эркин тестостерон (пг\мл)	2,64±0,1*	1,87±0,36	0,1-4,2
Дегидроэпиандростерон-сулфат (ДГЭАС) (мг\дл)	376,5±13,6** *	220,4±16,36	23-266
17-ОН прогестерон, (нмоль/л)	5,15±0,3**	2,74±0,38	1,24-8,24
Тиреотроп гормон (ТТГ) (мЕд/мл)	2,4±0,12	2,49±0,23	0,3-4,5
Т4 эркин (нг\мл)	11,34±0,28	12,1±0,55	8,9-17,2
Пролактин (мЕд/мл)	295,8±12,7*	254,5±10,6	66-490
25-(ОН) D (нг\мл)	22,9±2,37**	33,24±1,78	30-60

Изоҳ: * - назорат гуруҳига нисбатан – $p < 0,05$; ** - назорат гуруҳига нисбатан – $p < 0,01$; *** - назорат гуруҳига нисбатан – $p < 0,001$

Шунингдек, андрогенлар концентрацияси хусусан, умумий тестостерон миқдори асосий гуруҳда назорат гуруҳидан 3,54 марта юқорилиги ($p<0,001$) тасдиқланган бўлса, эркин тестостерон ва дегидроэпиандростеронсульфат (ДГЭАС) миқдорлари, мос равишда 1,41 ($p<0,01$) ва 1,71 ($p<0,001$) марта асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан юқорилиги аниқланган.

Жадвалда кўрсатилганидек, пролактин миқдори бўйича асосий гуруҳ назорат гуруҳидан 1,16 марта устунлиги ($p<0,05$), 25-(ОН) D миқдори бўйича эса 1,45 марта камлиги ($p<0,01$) аниқланган.

ЛГ/ФСГ нисбати ошиши, 25(ОН)D витамини дефицити ва пролактин концентрациясини кўпайиши каби гиперандрогенияни индуцирловчи факторларни, татқиқодимиз давомида прогностик аҳамиятини аниқлаш мақсадида, сезгирлик (SE), махсуслик (SP), диагностик самарадорлик (AUC) ва патогенетик аҳамиятини аниқлаш мақсадида хавф омили (OR) каби кўрсаткичларга текширилган.

3-жадвал

Баъзи биокимёвий маркерларнинг аёлларда гиперандрогения ривожланишида прогностик аҳамияти

Кўрсаткичлар	SE	SP	AUC	OR	95%CI	P
Абнормал ЛГ/ФСГ нисбати	0,65	0,90	0,70	1,6	1,32-1,937	<0,01
25(ОН)D	0,88	0,63	0,83	2,1	1,43-3,1	<0,01
Пролактин	0,63	0,69	0,63	1,31	1,098-1,57	<0,01

3-жадвалда келтирилганидек, ЛГ/ФСГ нисбатини абберант равишда ошиши, гиперандрогенияни прогностлашдаги сифати яхши даражада ($AUC=0,70$) эканлиги маълум бўлди. Бошқа томондан, ЛГ/ФСГ нисбатини абнормал равишда ошишини гиперандрогения ривожланишидаги патогенетик аҳамиятини – индуцирловчи эканлигини хавф омили кўрсаткичи хам тасдиқлади. Унга кўра, тадқиқотда, абберант ЛГ/ФСГ нисбати хавф омили гиперандрогения ривожланиш хавфини 60% га (95%CI: 1,32-1,937; $p<0,05$) ошириши аниқланган.

Шунингдек, семизлик ва ортикча вазн хам аёлларда гиперандрогения ривожланишида, яна бир индуцирловчи факторлиги хисобга олиниб барча биокимёвий натижалар, тана массаси индексига боғлиқ равишда текширилди. 4-жадвалда келтирилганидек, тана массаси индексига умумий ва эркин тестостерон каби маркерлар тўғри пропорционал равишда боғлиқлиги аниқланган бўлса, ЛГ/ФСГ, 17-ОН прогестерон ва 25-гидроксикальциферол маркерларини эса тескари боғлиқлиги топилди. Бошқа кўрсаткичларда эса ТМИ боғлиқ равишда периодик ўзгаришлар аниқланмади.

Қизиғи шуки, бу келтирилган натижаларда тана массасига боғлиқ равишда умумий ва эркин тестостерон миқдорини ошиши кузатилган бўлса ЛГ/ФСГ нисбатини камайганлиги кузатилди. Бу ҳолатда, семизлик индуцирлаган гиперандрогенизм ривожланиши, ТМИ ошгани сари ЛГ/ФСГ нисбатини бузилишига боғлиқ бўлмаган тарзда, мустақил ривожланиши эхтимолини ошириши мумкин.

Гиперандрогения мавжуд асосий гурух (n=126) аёлларида ва шартли соғлом (n=32) гурух текширилувчиларда тўртта УТТ маркерлари, хусусан бачадон ўлчамлари, М-Эхо кўрсаткичларини хайз циклига монанд ўзгариши, тухумдон ўлчамлари ва фолликуляр резерв маркерлари текшириб ўтилди ва бу маркерларни гиперандрогения ҳолати билан ўзаро боғлиқлиги аниқланди. Бачадон гипоплазия ҳолати асосий гуруҳда 14 та (11%) беморларда аниқланди, назорат гуруҳида эса атиги 1 та (3%) текширилувчида топилди ($p > 0,05$; $\chi^2 = 1,89$). Шундан келиб чиқиб, гиперандрогения мавжуд аёлларда УТТ бачадон ўлчами маркери ва гиперандрогения орасида статистик ишончли ўзаро ассоциация мавжуд эмас деб ҳулоса чиқарилди (2-расм, А).

4-жадвал


Турли ТМИ эга беморларда ва назорат гуруҳида гормонал кўрсаткичлар натижалари

Кўрсаткичлар	25-29,9 n=49	30-34,9 n=32	35-39,9 n=5	Назорат гуруҳи
Фолликула стимулловчи гормон (ФСГ) (мЕд/мл)	6,7±0,5	7,45±0,73	5,4±0,80	7,3±0,65
Лютеинловчи гормон (ЛГ) (мЕд/мл)	13,7±1,1 ^a	12,2±1,6 ^a	7,62±1,5 ^{bc}	7,675±0,68
ЛГ/ФСГ	2,48±0,23 ^a	2,24±0,21 ^a	1,5±0,4 ^b	1,34±0,12
Умумий тестостерон, (нмоль/л)	3,3±0,36 ^a	4,5±0,39 ^{ab}	5,6±0,8 ^{ab}	1,1±0,078
Эркин тестостерон (нг/мл)	2,46±0,15 ^a	2,77±0,2 ^a	3,32±0,25 ^{ab}	1,87±0,36
Дегидроэпиандростерон-сулфат (ДГЭАС) (мг/дл)	379,3±21,2 ^a	354,23±30,1 ^a	376,53±33,3 ^a	220,4±16,36
17-ОН прогестерон, (нмоль/л)	5,5±0,4 ^a	4±0,5 ^{ab}	3,8±0,6 ^b	2,74±0,38
Тиреотроп гормон (ТТГ) (мЕд/мл)	2,55±0,21	2,4±0,26	2,4±0,26	2,49±0,23
Т4 эркин (нг/мл)	11,7±0,4	11,7±0,53	12,3±0,93	12,1±0,55
Пролактин (мЕд/мл)	315,2±23,7 ^a	287,9±22,7 ^a	293,24±26,6 ^a	254,5±10,6
25-(ОН) D (нг/мл)	24,4±1,4 ^a	21,74±1,5 ^a	19,2±1,9 ^{ab}	33,24±1,78

Изоҳ: а - назорат гуруҳига нисбатан – $p < 0,05$; b – ортиқча вазн вакиллари умумий натижасига нисбатан – $p < 0,05$; c – семизлик билан касалланган беморлар умумий натижасига нисбатан – $p < 0,05$.

Шунингдек, асосий гуруҳдаги 61 (48%) аёлларда М-Эхо хайз кунига мос келмаслиги қайд қилинди ($p < 0,001$; $\chi^2 = 18,9$). Бу эса, М-Эхо кўрсаткичларини хайз кунига номутаносиблиги маркери гиперандрогения мавжуд беморларда ишончли маркер эканлигини билдиради (2-расм, В). Бундан ташқари, тухумдон ўлчамларини натижаларига кўра, назорат гуруҳидаги барча аёлларда (n=32; 100%) тухумдон ўлчами нормал

кўрсаткични ташкил этди, асосий гуруҳда эса 66 та беморларда тухумдон ўлчамлари нормал кўрсаткичдалиги, 3 та (2%) беморларда гипоплазия мавжудлиги ва 57 та (45%) беморларда тухумдон ҳажми 10 см^3 дан юқорилиги аниқланди ($p < 0,001$; $\chi^2 = 24,57$). Бу эса, гиперандрогения ҳолати ва тухумдон ўлчамлари ўзгариши орасида ишончли боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади (2-расм, С). Асосий ва назорат гуруҳида антрал фолликулалар ёки тухумдон резерви натижалари таҳлил қилинганида, антрал фолликулалар сони нормал кўрсаткични ташкил этган асосий гуруҳдаги беморлар 100 (79%) ни, фолликуляр резерв камайган беморлар сони 26 (21%) тани ташкил этди ($p < 0,01$; $\chi^2 = 7,9$. 2-расм, D).



2-расм. Тадқиқот давомида асосий ва назорат гуруҳи УТТ таҳлили натижалари.

Диссертациянинг “Аёлларда гиперандрогенемизм дифференциал диагностикасида генетик маркерларлар – CYP21A2 генининг ахамияти» бўлимида қайд этилган гуруҳларда гиперандрогенемизм мавжуд беморларда CYP21A2 гени секвенирлаш текшируви натижалари қиёсий жиҳатдан баҳоланиб, натижалари батафсил баён этилган.

Тадқиқотда амалга оширилган CYP21A2 гени секвенирлаш натижасига кўра, асосий гуруҳда делеция, транслокация, микро- ва макроконверсия каби экспрессияланувчи фермент конформациясига кучли таъсир этувчи мутация турлари аниқланмади, бошқа томондан ягона нуклеотид полиморфизми (SNP)

типидаги полиморфизмлар натижаларини аллел ва генотипларга тақсимланиш асосий ва назорат гуруҳида аниқланди.

5-жадвалга асосан, асосий ва назорат гуруҳида аниқланган полиморфизмлар натижасини аллеллар бўйича тақсимланиши популяция даражасида ўринли эканлигини текшириш мақсадади Харди-Вайнберг қонуни асосида текширилди. Ва бунга кўра, барча аниқланган полиморфизмлар бўйича кутилган ёки эмпирик натижалар кузатилаётган ёки теоретик натижаларга нисбатан ишончли оғиш аниқланмади ($\chi^2 < 3,85$; $P > 0,05$). Бу эса, тадқиқот давомида олинган натижалар Харди-Вайнберг қонунига бўйсинишини кўрсатади.

5-жадвал

Асосий ва назорат гуруҳида СҮР21А2 гени секвенирлаш текшируви натижасида аниқланган полиморфизмларни аллел ва генотип бўйича тақсимланиши

	Асосий гуруҳ					Назорат гуруҳи				
	Аллеллар		Генотипларлар			Аллеллар		Генотиплар		
	Ёввойи тури (%)	Минор тури (%)	Гомозигот ёввойи (%)	Гетерозигот (%)	Гомозигот ноёввойи (%)	Ёввойи тури (%)	Минор тури (%)	Гомозигот ёввойи (%)	Гетерозигот (%)	Гомозигот ноёввойи (%)
683 G>A	92,0	8,0	77	12,7	1,6	90,0	10,0	80	20	0
rs937 8252	89,7	10,3	80,2	19	0,8	98,4	1,6	96,875	3,125	0
rs6468	82,8	7,2	86,5	12,7	0,8	95,3	4,7	90,625	9,375	0
rs6477	94,4	5,6	89,6	9,5	0,8	95,32	4,68	90,625	9,375	0
655 A/C>G	96,03	3,97	92	7,9	0,0	100	0	100	0	0
1389 T>A	96,43	3,57	92,9	7,1	0	96,8	3,2	93,75	6,25	0
2578 C>T	98,4	1,6	96,83	3,17	0	100	0	100	0	0
999 A>T	97,6	2,4	95,2	4,8	0	100	0	100	0	0
2108 C>T	99,6	0,4	99,2	0,8	0	100	0	100	0	0

Юқорида келтирилганидек, СҮР21А2 генида турли хил полиморфизм минор аллелларни биргаликда келиши аёлларда нокласслик турдаги адурнал гиперплазия келиб чиқиши орқали гиперандрогенизм ривожланиши хавфини сезиларли оширади. Шу сабабли, секвенирлаш натижасига кўра асосий гуруҳдаги баъзи беморларда комбинирланган мутацияларни гетерозигот формасида учраш частотаси таҳлил қилиниб комбинирланган хилдаги минор аллеллар таъсири ҳисоблаб чиқилди. Натижада, ўзида икки хил минор аллел тутган беморлар 18,3% (n=23) эканлиги, ўзида уч хил минор аллел тутган беморлар эса 2,4% (n=5) эканлиги аниқланди.

Шунингдек, СҮР21А2 гени секвенирлаш натижалари таҳлил қилиниб, асосий ва назорат гуруҳларида мутант аллел мавжуд текширилувчиларда турли полиморфизмларни патогенетик ахамияти текширилди. Хусусан,

CYP21A2 гени rs9378252 (H62L) полиморфизми текшириш натижаси интерпретацияси қилинганда, ёввойи аллел назорат гуруҳида, минор аллел эса асосий гуруҳида ишончли тарзда юқорилиги хи-квадрат кўрсаткичи тасдиқлади ($\chi^2=5$; $P=0,026$; нисбий хавф омили – RR бўйича мос равишда, $RR=0,8$; 95%CI: 0,74-0,894 ва $RR=1,23$; 95%CI: 1,23-1,36). Шунга ўхшаш тарзда, генотиплар кўрсатган натижасига кўра, ёввойи гомозигот – AA генотиби касаллик ривожланишини 21% га камайтириш (95%CI: 0,79-1,078; $\chi^2>3,85$; $P<0,05$) орқали протектив, гетерозигот – AT ва ноёввойи гомозигот – T/T генотиплар эса касаллик ривожланиш хавфини, мос равишда 25% ва 26% га (мос равишда, $RR=1,25$; 95%CI: 1,11-1,42 $\chi^2>3,85$; $P<0,05$, $RR=1,26$; 95%CI: 1,16-1,36; $\chi^2<3,85$; $P>0,05$) ошириши аниқланди.

6-жадвал

Асосий ва назорат гуруҳида CYP21A2 гени rs9378252 (H62L) полиморфизмини тақсимланиши ва патогенетик аҳамияти

Аллеллар ва генотиплар	Аллел ва генотиплар миқдори				χ^2	P	RR	95%CI	OR	95%CI
	Асосий гуруҳ		Назорат гуруҳ							
	n	%	n	%						
A	226	89,7	63	98,4	5	0,026	0,8	0,74-0,894	0,14	0,018-1,037
T	26	10,3	1	1,6	5	0,026	1,23	1,12-1,36	7,25	0,965-54,46
A/A	101	80,2	31	96,9	5,2	0,02	0,79	0,70-0,899	0,13	0,017-1,00
A/T	24	19	1	3,1	4,8	0,028	1,25	1,11-1,42	7,3	0,948-56,12
T/T	1	0,8	0	0	0,25	0,614	1,26	1,16-1,36	0	0

Шундай қилиб, CYP21A2 гени секвенирлаш натижасига кўра, аниқланган барча полиморфизм типидagi мутация турлари орасидан фақат rs9378252 полиморфизми минор аллелли ҳамда гетерозигот генотиплари билан гиперандрогенизм ривожланиши ўртасида статистик ишончли мусбат боғланиш мавжудлиги аниқланди. Бошқа томондан, 653 G>A, rs6477 ва 1389 T>A полиморфизмларида эса бундай боғланиш мавжуд эмаслиги тасдиқланди. Шунингдек, 2578 C>T, 655 A/C>G, 999 A>T ва 2108 C>T полиморфизмлари бўйича мутант аллеллар фақат асосий гуруҳ беморларида аниқланди.

Бундан ташқари, тадқиқот давомида CYP21A2 гени турли хил полиморфизмлар аниқланган беморларда фенотипик ўзгаришлар кўрсаткичлари текширилди ва шу орқали генотипик-фенотипик корреляцияси тузилди. Хусусан, 7-жадвалда уч карра ва икки карра минор аллел тутувчи беморларда биокимёвий кўрсаткичлар ўзгариши ва турли полиморфизмларни беморлар фенотиби (биокимёвий кўрсаткичлари)га ўзаро синтропик таъсири аниқланди. 7-жадвалда келтирилганидек, CYP21A2 генида аниқланган полиморфизмлар бўйича уч ва икки карра ноёввойи турдаги аллеллар аниқланган беморларда ЛГ/ФСГ нисбати кўрсаткичи CYP21A2 генида мутант аллел мавжуд бўлмаган беморлар кўрсаткичига нисбатан, мос равишда 2,52 ($p<0,05$) ва 1,75 ($p>0,05$) марта камлиги; умумий тестостерон миқдорини деярли тенглигини ($p>0,05$); эркин тестостерон миқдорини эса, мос равишда

1,06 ($p>0,05$) ва 1,13 ($p>0,05$) марта камлиги, ДГЭАС миқдорини мос равишда 1,43 ($p<0,05$) ва 1,20 ($p<0,05$) марта юқорилигини; 17-ОН прогестерон миқдорини, мос равишда 2,37 ($p<0,05$) ва 1,82 ($p<0,05$) марта юқорилигини; пролактин миқдорини, мос равишда 1,11 ($p>0,05$) марта кўплиги ва 1,07 ($p>0,05$) марта камлиги; 25-ОН кальциферол миқдорини эса, мос равишда 1,05 ($p>0,05$) ва 1,15 ($p<0,05$) марта юқорилиги аниқланди.

7-жадвал

СҮР21А2 генида уч ва икки карра полиморфизм аниқланган беморлар ва СҮР21А2 генида мутант аллел аниқланмаган беморлар ҳамда назорат гуруҳи биокимёвий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Уч карра полиморфизм n=5	Икки карра полиморфизм n=23	Ёввойи тури n=56	Назорат гуруҳи n=32
Фолликула стимулловчи гормон (ФСГ) (мЕд/мл)	6,55±0,98	7,57±1,02	6,67±0,58	7,3±0,65
Лютеинловчи гормон (ЛГ) (мЕд/мл)	5,98±1,08 ^b	10,38±2,31	14,1±0,88 ^a	7,675±0,68
ЛГ/ФСГ	1,1±0,20 ^b	1,59±0,88	2,78±0,25 ^a	1,34±0,12
Умумий тестостерон, (нмоль/л)	4,4±0,64 ^a	4,2±1,11 ^a	4,11±0,48 ^a	1,1±0,078
Эркин тестостерон (пг/мл)	2,73±0,35	2,25±0,34	2,88±0,13 ^a	1,87±0,36
Дегидроэпиандростерон-сульфат (ДГЭАС) (мг/дл)	464,22±21,9 ^{ab}	390±39,2 ^a	323,75±17,7 ^a	220,4±16,36
17-ОН прогестерон, (нмоль/л)	7,75±1,87 ^{ab}	5,94±2,68 ^a	3,27±0,375 ^a	2,74±0,38
Пролактин (мЕд/мл)	320,8±37,5 ^a	268,97±24,75 ^a	288,1±23,1 ^a	254,5±10,6
25-(ОН) D (нг/мл)	21,77±2,16 ^a	24±1,45 ^{ab}	20,8±1,07 ^a	33,24±1,78

Изоҳ: а - назорат гуруҳига нисбатан – $p<0,05$; b – Мутант аллел мавжуд бўлмаган беморлар – $p<0,05$; c - икки карра полиморфизм аллеллари мавжуд беморлар натижаларига нисбатан – $p<0,05$.

Бунтан ташқари, СҮР21А2 генида уч ва икки карра мутация мавжуд беморлар ва назорат гуруҳи натижаларига кўра, СҮР21А2 генида мутация аниқланмаган беморларга нисбатан ЛГ/ФСГ ва эркин тестостерон кўрсаткичларини ўзаро статистик ахамиятли фарқи йўқолди ($p>0,05$).

Бундан ташқари, тадқиқот давомида СҮР21А2 гени турли хил полиморфизмлар аниқланган беморларда фақат бир турдаги полиморфизмга хос мутант аллел тутган беморларда, биокимёвий ўзгаришларни таққослаб кўрилди, шу орқали бир турдаги полиморфизм мустақил ҳолда гиперандрогенияни индуцирловчи ахамияти текширилди.

